



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 7 » fevral

№ 77

Toshkent sh.

### **Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг ягона реестрини шакллантириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–300-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган **преференциялар ва имтиёзларнинг дастлабки реестри ишлаб чиқилганлиги** ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг **расмий веб-сайтида жойлаштирилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, **2024 йил 1 июлдан эътиборан**, маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг турлари, муддатлари, тартиби ва маъсул органларни ўз ичига олган Ягона реестр (кейинги ўринларда – Ягона реестр) юритилади.

3. Қуйидагилар:

**Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг ягона реестрини шакллантириш схемаси 1-иловага мувофиқ;**

**Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг долзарблигини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ;**

**Маҳаллий ва хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

**Ягона реестрни юритиш бўйича оператор** этиб белгилансин, унга Ягона реестрнинг юритилишини услубий таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштирсин;

**икки ой муддатда** манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган барча соҳалардаги преференциялар ва имтиёзлар рўyxатини тўлиқ шакллантирсин;

**2024 йил 1 июлдан бошлаб**, Ягона реестр Вазирликнинг расмий веб-сайтида алоҳида бўлим сифатида преференциялар ва имтиёзларни соҳалар ва йўналишлар бўйича излаш ва кўриш имкониятини берувчи электрон шаклда юритилишини таъминласин.

5. Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг долзарблигини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ (Ж. Ходжаев) Ягона реестрнинг мазкур қарорда белгиланган схемага мувофиқ янгилаб борилишини ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг долзарблиги кўриб чиқилишини ташкил этиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “ 7 ” февралдаги 77 -сон қарорига  
1-илова

**Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар  
ва имтиёзларнинг ягона реестрини шакллантириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
<b>1-босқич</b>	Давлат органлари ва ташкilotлари	1. Бириктирилган соҳалар ва тармоқлардаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказди ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун белгиланган преференциялар ва имтиёзлар рўйхатини шакллантиради. 2. Шакллантирилган рўйхатни мазкур рўйхатдаги преференциялар ва имтиёзларнинг зарурати, асослиги ва долзарблиги тўғрисидаги маълумотларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади.	1 февралга қадар  1 мартга қадар
<b>2-босқич</b>	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Давлат органлари ва ташкilotлари томонидан тақдим этилган маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун белгиланган преференциялар ва имтиёзларнинг рўйхатини ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.	10 мартга қадар
<b>3-босқич</b>	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Соҳага тегишли маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун белгиланган преференция ва имтиёзларнинг зарурати, асослиги ҳамда долзарблигини танқидий таҳлил қилган ҳолда ушбу преференциялар ва имтиёзларни бекор қилиш, қисқартириш ёки муддатини узайтириш тўғрисидаги таклифларни Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларнинг долзарблигини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳга (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) киритади.	1 апрелга қадар
<b>4-босқич</b>	Ишчи гуруҳ	Киритилган таклифларни кўриб чиқади ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар ва имтиёзларни бекор қилиш, қисқартириш ёки муддатини узайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича хулоса қабул қилади.	1 майга қадар
<b>5-босқич</b>	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	Ишчи гуруҳ хулосасидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, келишади ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади.	1 июлга қадар

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “ 7 ” ~~феврал~~ даги 77 -сон қарорига  
2-илова

**Маҳаллий ва хорижий инвесторларга берилган преференциялар  
ва имтиёзларнинг долзарблигини кўриб чиқиш бўйича  
ИШЧИ ГУРУҲ ТАРКИБИ**

1. Ж.А. Ходжаев – Бош вазирнинг ўринбосари, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Л.Ш. Кудратов – инвестициялар, саноат ва савдо вазири, *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. А.Д. Ташкулов – адлия вазири
4. Ш.Х. Шерматов – рақамли технологиялар вазири
5. И.Ю. Абдурахмонов – қишлоқ хўжалиги вазири
6. Ш.С. Хидоятлов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.в.б
7. И.И. Норкулов – иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
8. Ш.Д. Кудбиев – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси раиси
9. А.А. Мавлонов – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси
10. *Лавозим бўйича* – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси
11. Д.А. Ваҳобов – Савдо-саноат палатаси раиси
12. Д.Р. Ли – Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директори
13. А.В. Сим – Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи, *ишчи гуруҳ котиби*

*Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

*Ишчи гуруҳ ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда, зарур ҳолларда, бошқа тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасадди раҳбар ва масъул ходимларини жалб этиши мумкин.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “ 7 ” февралдаги 77-сон қарорига  
3-илова

**Маҳаллий ва хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амага ошириш механизими	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
1.	Худудларнинг инвестиция жозибadorлиги рейтингини юритиш.	<p>1. Худудларнинг инвестиция жозибadorлиги рейтингини юритиш учун зарур кўрсаткичлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Рейтингни ҳисоблаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Худудларнинг инвестиция жозибadorлиги бўйича дастлабки рейтинг кўрсаткичларини шакллантириш.</p> <p>4. Рейтингни ҳисоблаш ва юритишни рақамлаштириш ҳамда уни юритиш тартибини белгилаш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил май – июнь</p> <p>2024 йил июль – август</p>	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудратов)
2.	Халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини ошириш чораларини кўриш.	<p>1. Fitch, Moody’s ва S&amp;P рейтинг агентликларининг савдо ва инвестиция соҳаларидаги ҳисоботларини чуқур таҳлил қилиш.</p> <p>2. Мазкур рейтинглар агентликлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш чорасини кўриш.</p> <p>3. Ушбу рейтинг агентликлари томонидан тақдим этиладиган саволномаларга тўлиқ ва сифатли жавоб тайёрлаш методологиясини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024 йил апрель</p> <p>2024 йил май</p>	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудратов)

Т/р	Тадбирлар номи	Амага ошириш механизими	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвестиция ва савдо йўналишидаги нуфузли хорижий платформаларга аъзо бўлиш.	1. Нуфузли хорижий платформаларни таҳлил этиш ва мамлакатимизга мос келадиган платформалар рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхатдаги платформаларга аъзо бўлиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2024 йил март 2024 йил апрель	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов)
4.	Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш.	Хорижнинг илғор PR-компаниялар билан Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ўтказиш бўйича Форумнинг дастури ва чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил февраль	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов)
5.	Инвесторлар билан ишлашда зарур маълумотлар базасини такомиллаштириш.	1. Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Тошкент вилояти ҳокимлигининг инвесторлар билан ишлаш фаолиятини таҳлил этиш. 2. Таҳлил натижаларига асосан инвесторлар билан ишлашда маълумотлар алмашинуви тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	2024 йил февраль 2024 йил март	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов)
6.	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Инвестиция сиёсати таҳлили” лойиҳасини бошлаш бўйича тайёргарлик кўриш.	1. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг махсус платформаси орқали хорижий давлатларнинг инвестиция сиёсати ҳисоботларини таҳлил қилиш. 2. “Инвестиция сиёсати таҳлили” лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2024 йил март 2024 йил апрель	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов)

Т/р	Тадбирлар номи	Амага ошириш механизими	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
		3. Лойиҳани белгиланган муддатларда сифатли яқунлаш юзасидан “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.	2024 йил май	
7.	Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш юзасидан молиялаштириш воситаларини кенгайтириш.	1. Краудфандинг, фортфейтинг ҳамда факторинг молиявий воситаларини чуқур таҳлил қилиш. 2. Мазкур воситаларни мамлакатимизда кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. 3. Ишлаб чиқилган таклифларни тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил март 2024 йил апрель 2024 йил май	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудратов)
8.	Хорижий ва маҳаллий инвесторлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида В2В (business to business) шаклдаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш.	1. В2В шаклдаги ҳамкорлик бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. 2. В2В шаклдаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида йирик хорижий компанияларни жалб этиш юзасидан чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил июнь 2024 йил август 2024 йил сентябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудратов)
9.	Маҳаллий инвесторларни илмий фаолият натижалари билан қўллаб-қувватлашга қаратилган S2B (Science to business) шаклда ҳамкорликни йўлга қўйиш.	1. S2B шаклдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Ўрганиш натижалари асосида S2B шаклидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2024 йил март 2024 йил апрель 2024 йил май	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Қудратов)

Т/р	Тадбирлар номи	Амага ошириш механизими	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
		3. Илмий фаолият натижаларига асосланган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, жумладан хусусий сектор, илмий ташкилот ва тармоқ корхоналарининг шерикликдаги ҳамкорлигини йўлга қўйиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.		
10.	Мамлакатимизнинг инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	1. Ишчи гуруҳ тузган ҳолда мамлакатимиз инвестиция муҳитининг мавжуд ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш. 2. Инвестиция муҳити яхшилаш бўйича хорижнинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда ҳисобот тайёрлаш. 3. Ўрганиш натижалари бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил март  2024 йил апрель  2024 йил май	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов)

